

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил май ойининг “01” куни жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Мирзакиров, Ф.Қосимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ўзбекистон туман прокурори ёрдамчиси Д.Усмонова, судланувчи А.Жўрабоев ва унинг ҳимоячиси “Одил Ҳимоя Равнақи” адвокатлик бюроси адвокати О.Мўминов, жабрланувчи Х.Ёқубовларнинг иштирокида, судланувчи Жўрабоев Абдуманнон Абдували ўғлига нисбатан 1-1504-2301/101-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Жўрабоев Абдуманнон Абдували ўғли (Jo'raboyev Abdumannon Abduvali o'g'li), 1992 йил 30 декабрда Сирдарё вилояти, Боёвут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам муқаддам жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2022 йил 06 июнь кунги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилган, ёлланма ишчи, Ўзбекистон тумани, Қум м.ф.й., Истиклол кўчаси, 26-уйда рўйхатда туриб, Учкўприк тумани, Боғубўстон м.ф.й., Орзу кўчаси, 24-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида “шахсий кафилликка топшириш” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 31 мартда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Жўрабоев 2022 йил 25 январь куни алдаш ёки ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, онаси Ш.Кучмуратованинг номида бўлган “Нексия-2” русумли 40 W 127 NA давлат белгили автомашинани таниши Х.Ёқубовга 4.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, олдиндан 2.100 АҚШ долларини олиб, автомашинани бошқа шахсга сотиб юбориб, олган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи А.Жўрабоев суд мажлисида, содир қилган айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2021 йил август ойларида укаси ва онаси келишиб, “Нексия-2” русумли 40 W 127 NA давлат белгили автомашинани сотиб олиб, онаси Ш.Кучмуратовани номига расмийлаштиришганини, 2022 йил 25 январь куни автомашинани сотиш мақсадида Қўқон шаҳрида жойлашган автомашина



бозорига олиб борганини, бозорда таниши Х.Ёқубов автомашина сотиб олмоқчили эканини айтганида унга онасига тегишли бўлган “Нексия-2” русумли автомашинани кўрсатиб, автомашинани 4.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, ундан 2.000 АҚШ доллари олиб, қолган қисмини 3 ойда бўлиб-бўлиб бериши керак бўлганини, Х.Ёқубовга агарда автомашинани ижара сифатида вақтинча бошқариб туришга берса, эвазига унга 50.000 сўмдан беришга келишиб, автомашинани ўзи бошқариб юрганини, Х.Ёқубовга автомашинани уриб олганини айтиб, таъмирлаш учун яна 100 АҚШ доллари олганини, пулни унга бериши керак бўлган 2.000 АҚШ долларидадан айириб қолишини айтганини, 2022 йил февраль ойи охирларида укаси З.Жўрабоев билан бирга Қўқон шаҳар автомашина бозорига чиқиб, “Ласетти” русумли автомашинани кўриб, Х.Ёқубовга сотган автомашинани 4.000 АҚШ долларига баҳолаб, устига 2.100 АҚШ доллари бериш шарти билан 6.100 АҚШ долларига “Ласетти” русумли автомашинани сотиб олганини, 2022 йил март ойи охирларида яшаш хонадонига Х.Ёқубов чиқиб, унга сотган автомашинани бошқа шахсга сотиб юборганини эшитганини, автомашинани ёки пулларини беришини сўраганини, шунда бўлган ҳолатлардан онаси хабар топиб “Ласетти” русумли автомашинани олиб кўйиб, бошқа шахсга сотиб юборганини, Х.Ёқубовдан автомашинани сотгани эвазига олган 2.000 АҚШ доллари ва уни таъмирлатиш учун алдаб олган 100 АҚШ долларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганини, ҳозирда етказилган зарарларни тўлашга имконияти йўқлигини, мухлат берилса кейинчалик тўлашга ҳаракат қилишини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб ўзига тегишли хулоса чиқариб олганини, жабрланувчидан кечирим сўрашини инobatга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи А.Жўрабоев ўзига эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдирса-да, бундан ташқари, унинг юқорида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги далил ва исботлар билан тасдиқланади:

Жабрланувчи Х.Ёқубов суд мажлисида, 2022 йил январь ойи ўрталарида Қўқон шаҳар автомашина бозорига чиқиб, бозорда маҳалладоши А.Жўрабоев билан кўришиб, унга автомашина сотиб олмоқчи эканини айтганида у “Нексия-2” русумли автомашинасини сотишини айтганини, уни автомашинасини кўриб, 4.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, олдиндан 2.000 АҚШ доллари бериб, қолган қисмини 3 ойда бўлиб-бўлиб бериши керак бўлганини, А.Жўрабоев унга сотган автомашинасини ижарага берса ҳар кунига 50.000 сўмдан пул тбериб туришини айтгани учун автомашинани ижарага ўзига бериб юборганини, у автомашинани 1,5 ой бошқариб юриб, жами 2.250.000 сўм пул берганини, кейин пул бермай кўйиб, автомашина устахонада эканини, таъмирлаш учун пули йўқлигини, 100 АҚШ доллари бериб туришини, автомашина учун берадиган қолган дан қарздорлигидан олиб қолишини айтгани учун унга 100 АҚШ доллари бериб юборганини, 2022 йил февраль ойи охирларида уни укасини кўриб қолиб, акаси унга сотган “Нексия-2” русумли автомашинани сўраганида акаси автомашинани сотиб ўрнига “Ласетти” русумли автомашина сотиб олганини



айтганини, шундан сўнг уларни яшаш хонадонига бориб автомашина каерда эканини сўраганида автомашинани уриб олиб, урилган автомашинани 4.000 АҚШ долларига сотиб юборганини, ўрнига бўлиб бўлиб бериш шarti билан “Ласетти” русмли автомашина сотиб олганини, уни сотиб 2.100 АҚШ долларини қайтариб беришини айтганини, лекин ҳозирги кунга қадар пулларини бермасдан келганини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ З.Жўрабоев судда, судланувчи А.Жўрабоев акаси бўлишини, 2022 йил баҳор ойларида акаси билан Қўқон шаҳар автомашина бозорига чиқиб, ўзларига нотаниш бўлган шахсни “Ласетти” русумли автомашинасини сотиб турганини кўриб, ўзаро келишиб онасига тегишли бўлган “Нексия-2” русумли автомашина 4.000 АҚШ долларига “Ласетти” русумли автомашинани эса 6.100 АҚШ долларига баҳолаб, 2.100 АҚШ долларини 6 ой муддатга беришга келишишганини, орадан бир хафта ўтиб Х.Ёқубов билан кўришиб қолганини, у “Нексия-2” русумли автомашинани сўраганида унга акаси автомашинани сотиб юборганини айтганини, Х.Ёқубов автомашинани 4.000 АҚШ долларига келишиб сотиб олганини, 2.000 АҚШ доллари берганини, қолган қисмини бўлиб-бўлиб бериши керак бўлганини айтиб жahl қилганини, уйига келиб акасига Х.Ёқубовни гапларини айтганида ўзи ҳал қилишини айтганини, онаси акаси автомашинани дастлаб Х.Ёқубовга сотиб юборганидан хабар топиб, “Ласетти” русумли автомашинани ҳам сотиб юбормаслиги учун акасидан олиб қўйиб эгасига қайтариб бериб юборишганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Одилов судда, судланувчи А.Жўрабоев ва Х.Ёқубовлар кўшнилари бўлишини, 2022 йил 25 январь куни яшаш хонадонига бўлган вақтида кўшниси Х.Ёқубов қўнғироқ қилиб чақирганини, уни олдига чиққанида “Нексия-2” русумли автоавтомашина А.Жўрабоевдан сотиб олиб турганини, автомашинани 4.000 АҚШ долларига савдолашиб, олдиндан 2.000 АҚШ доллари беришини, қолган қисмини бўлиб бўлиб беришини айтиб, уни гувоҳлигида А.Жўрабоевга 2.000 АҚШ доллари берганини, А.Жўрабоев автомашинани кунига 50.000 сўмдан бериш шarti билан ижарага олиб кетганини билдириб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, жабрланувчилар А.Жўрабоев, Х.Ёқубовларнинг кўрсатувларини ва унинг ҳимоячиси адвокат О.Мўминовни фикрини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи А.Жўрабоевнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг иқроп бўлиб берган кўрсатувлари, жабрланувчиларнинг кўрсатувлари ва уларнинг аризалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Суд, судланувчи А.Жўрабоевнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди, чунки у, алдаш ва ишончли суистеъмол қилиш йўли билан онасига тегишли “Нексия-2” русумли 40 W 127 NA давлат белгили автомашинани Х.Ёқубовга 4.000 АҚШ долларига сотишга келишиб, олдиндан



2.100 АҚШ долларини олиб, автомашинани бошқа шахсга сотиб юбориб, пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Суд, судланувчига жазо тури ва меъерини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги № 1-сонли Қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида кўрсатиб ўтилганлигини, ЖКнинг 55,56-моддаларида кўрсатилган ишдаги жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оқибатларини инобатга олиб, инсонпарварлик тамойилларига асосланган ҳолда;

- судланувчи А.Жўрабоевнинг, шахсини, ёшини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноят содир қилгунга қадар хулқ-атворини, муқаддам судланмаганлигини, айб шаклини, содир қилинган жиноятнинг хусусиятини, ижтимоий хавфлилик даражасини, содир қилиш шароити ва сабабларини, шахсини ҳисобга олган ҳолда оилавий моддий шароитини ҳамда жазони енгиллаштирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарларни қопламаганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этиб, ишдаги бошқа жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, хулқини жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаб бўлмайдиган ҳулосага келиб, айбланаётган модда санкциясида белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, моддий зарарлар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи А.Жўрабоевдан жабрланувчи Х.Ёқубов фойдасига 24.024.000 сўм қийматга тенг бўлган 2.100 АҚШ долларини лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларни қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Жўрабоев Абдуманнон Абдували ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

А.Жўрабоевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 1-қисми билан, 1 (бир) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларда ўташлик белгилансин.

Жазо муддати 2023 йил 01 май кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Унга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, дарҳол суд залидан қамоққа олинсин.

Прокурорнинг даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Судланувчи А.Жўрабоевдан жабрланувчи Х.Ёқубов фойдасига 24.024.000 сўм қийматга тенг бўлган 2.100 АҚШ доллари ундирилсин.



Хукмдан норози тарафлар хукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи хукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ш.Мирзакиров

Хукм нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Ўзбекистон туман судининг раиси:

Ш.Мирзакиров

